

«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»

«O`ZPARAVTOTRANS»

aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining

2016 йил « 27 » июндаги умумий йиғилиш

қарори билан

**«O`ZPARAVTOTRANS»
aksiyadorlik jamiyatining**

**«ТАФТИШ КОМИССИЯСИ
ТЎҒРИСИДА»ги**

Н И З О М И

Қоровулбозор тумани - 2016 йил

~ 1 ~

**«Ўзпаравтотранс» акциядорлик
жамияти тафтиш комиссияси
Н И З О М И**

1. Умумий булим.

1.1. Мазкур Низом Узбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида» ги қонунига ва «Ўзпаравтотранс» акциядорлик жамиятининг уставига мувофиқ ишлаб чиқарилган.

1.2. Низом «Ўзпаравтотранс» акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг функциялари, таркиби, ваколатини, унинг акциядорлик жамиятининг бошқа бошқарув органлари билан буладиган ишларини мувофиқлаштириш, тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тартибини белгилайди.

2. Тафтиш комиссиясининг қонуний масъулияти.

2.1. Тафтиш комиссиясининг акциядорлик жамиятининг органи ҳисобланиб, акциядорлик жамиятининг молия хужалик ва ҳуқуқий назорат вазифаларини бажарувчи ички органи ҳисобланади.

2.2. Тафтиш комиссияси уз фаолиятини Узбекистон Республикасининг қонунлари, давлат бошқарув органларининг қонуний ҳужжатлари, жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинадиган ва тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари фаолиятига доир ҳужжатлари асосида амалга оширади.

3. Тафтиш комиссиясининг таркиби.

3.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси (тафтишчи) сайланади. Жамият тафтиш комиссияси сон таркиби 3 кишидан иборат.

3.2. Жамият тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

3.3. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

3.4. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тафтиш комиссиясидаги фаолияти учун бир йилда бир марта энг кам иш ҳақининг **10 баробаригача миқдорид**а рағбатлантириш тўланиши мумкин.

4. Тафтиш комиссиясининг вазифалари.

4.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

4.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

Ўз вазифаларини бажариш чоғида Тафтиш комиссияси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- акциядорлик жамияти томонидан тузилган шартномалар, амалга оширилаётган битишувлар, контрогентлар билан буладиган ҳисоб- китобларнинг қонунийлигини текшириш;

- муҳосиблик ва статистик ҳисоботнинг мавжуд норматив ҳужжатлар билан мувофиқлигини таҳлил қилиш;

- акциядорлик жамиятининг молиявий ҳужжатларини текшириш мол-мулкни инвентаризация бўйича тафтиш комиссиясининг ҳулосаси курсатилган ҳужжатларни муҳосиблик ҳисоботининг дастлабки ҳужжатлари билан таққослаш;

- хужалик-молия ишлаб чиқариш фаолиятида урнатилган меъёрий ҳужжатлар, қоидалар ва бошқаларга риоя қилинишини текшириш;

- акциядорлик жамияти молиявий ҳолатини, унинг тулов қобилиятининг, активларининг ликвидлиги, хусусий ва заём маблағларини нисбатини таҳлил қилиш, қорхона иктисодий ҳолатини яхшилаш резервларини аниқлаш ва акциядорлик жамиятининг бошқарув органларига тавсияномалар ишлаб чиқариш;

- махсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан бюджетга туловларнинг тугри ва уз вақтида амалга оширилиши, дивидентларни ҳисоблаш ва туланиши бошқа мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш;

- акциядорлик жамиятининг балансини тайёрланиши, солиқ инспекцияси, статистика органларининг ва давлат бошқарув органлари учун ҳисобот ҳужжатларини тугрилигини текшириш;

- акциядорлик жамияти Бошқаруви қабул қилинган органларни, акциядорлик жамияти Бошқаруви тугрисидаги Низом ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қабул қилинган қарорлар мослигини текшириш;

- Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини таҳлил қилиш, қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан мос келмаган ҳолларда қарорларни узгартириш бўйича таклифлар киритиш.

5. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатлари.

5.1. Тафтиш комиссияси уз функционал вазифаларини амалга ошириш борасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Акциядорлик жамияти бошқарув органлари, бўлимлари амалдор шахслардан, Тафтиш комиссиясининг иши учун зарур ва унинг функционал вазифалари ва мажбуриятларга мувофиқ булган барча материалларни олиш, қўрсатилган ҳужжат ва материаллар ва ёзма суровдан кейин 3 кун ичида тафтиш комиссиясига тақдим этилади;

- Акциядорлик жамиятининг Бошқарув мажлиси, Қўзатув кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши утқазилишини ваколатли шахслардан талаб қилиш, агар хужалик ишлаб чиқариш, молиявий хужалик фаолиятда қонунбузарликлар ёки акциядорлик жамияти манфаатларига зид амалиёт аниқланса ва ушбу масалаларни ҳал қилиш акциядорлик жамияти бошқарув органларининг ваколатига кирса;

- Хужалик ишлаб чиқариш, молия, ҳуқуқ фаолиятида қонунбузарлик фактлари аниқланса ёки акциядорлик жамияти манфаатларига ҳавф пайдо булганда акциядорларнинг умумий йиғилишини (бир овоздан) чиқариш;

- Тафтиш комиссиясининг ваколати қирадиган масалалар бўйича акциядорлик жамиятининг хоҳлаган аъзосидан, шу жумладан мансабдор шахслардан тушунтиришлар талаб қилиш;

- Акциядорлик жамияти штат лавозимларда турмаган мутахассисларни комиссияси ишига шартнома асосида жалб қилиш;

5.2. Жамиятнинг тафтиш комиссияси жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича ҳисобот ва ҳулоса тузади, бу ҳулосада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида қўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-ҳўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот қўрсатилади.

5.3. Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича тафтиш комиссия ҳисобот ва ҳулосаси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

5.4. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳулосани ҳар чоракда жамият қўзатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

6. Тафтиш комиссияси ва унинг аъзоларининг масъулиятлари.

6.1. Текширувлар утказиш чогида Тафтиш комиссияси аъзолари, текширувга тааллуқли булган барча ҳужжат ва материалларни синчиклаб урганишлари шарт. Нотугри хулосалар учун Тафтиш комиссияси аъзоларининг масъулияти, акциядорларнинг умумий мажлиси томонидан белгиланади.

6.2. Агар узига берилган ваколат муддати тугамасдан туриб, Тафтиш комиссиясининг аъзоси уз фаолиятини тухтатадиган булса, бу ҳақда бир ой олдин Кузатув кенгаши маълум қилиши шарт. Бу ҳолда акциядорларнинг умумий йигилишини узининг яқин орадаги мажлисида тафтиш комиссияси аъзосини алмаштиради.

6.3. Тафтиш комиссияси:

- амалга оширилган текширувлар ҳақидаги маълумотларни ёзма ҳисобот шаклида акциядорлик жамияти бошқарув органига, акциядорларнинг умумий мажлиси ва Кузатув кенгашига етказиб туриши шарт;

- уз вазифаларини амалга ошириш чогида, хизмат вазифаси юзасидан олиши мумкин булган, тижорат сирини ташкил этадиган маълумотларни таркатмаслиги шарт;

- акциядорлик жамияти манфаатларини муайян хавф тугилган вақтда ёки мансабдор шахсларнинг уз хизмат мавқеини суистеъмол қилганликлари фактлари аниқланганда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини талаб қилишлари шарт.

6.4. Тафтиш муҳосиблик ҳисоби ва молия ҳисоботини бажариш тартибини ва қоидаларига риоя қилган ҳолда, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши чақирилишидан 10 кун олдин, йиллик ҳисоботлар ва баланс тўғрисида уз хулосасини беради. Ушбу хулосасиз умумий мажлис жамият бухгалтерия балансини тасдиқлашга ҳаққи йўқ.

7. Тафтиш комиссиясининг мажлислари.

7.1. Тафтиш комиссияси барча масалаларни уз мажлисларида ҳал қилади. Тафтиш комиссиясининг мажлислари тасдиқланган режа асосида шунингдек текширувлар олдидан ва текширувлар якуни буйича утказилади. Тафтиш комиссиясининг аъзоси тухтовсиз ҳал қилиши керак булган, қонунбузарлик фактини аниқлаган вақтида комиссиясининг навбатдан ташқари мажлисини чақиритишни талаб қилиши мумкин.

7.2. Тафтиш комиссиясининг мажлиси, унда комиссия аъзоларининг 50% дан ортиқ аъзолари қатнашганда ҳуқуқий (ваколатли) ҳисобланади.

7.3. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Тафтиш комиссиясининг далолатнома ва хулосалари мажлисда қатнашаётганларнинг оддий овоз бериши билан тасдиқланади. Овоз тенг булиб қолганда, тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тафтиш комиссиясининг аъзоси, мажлис қароридан норози булган тақдирда бу тугрида мажлис баёнида қайд қилиш ва бошқа бошқарув, Кузатув кенгаши ва умумий мажлисини огоҳ қилиш ҳуқуқига эга.

7.4. Тафтиш комиссияси уз таркибидан раис ва қотибини сайлайди.

Тафтиш комиссиясининг раиси мажлис чақиради ва олиб боради;

Тафтиш комиссиясини қундалак ишини ташкил қилади;

Комиссия номидан Бошқарув, Кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йигилишларида иштирок этади;

Комиссия номидан чиқарадиган ҳужжатларни имзолайди.

Тафтиш комиссиясининг қотиби:

Комиссия мажлислари баёни олиб борилишини ташкил этади;

Тафтиш комиссиясининг акт ва хулосаларини жойларга етказиши;

Уз номидан чиқарилган ҳужжатларни имзолайди.

**«O`zparavtotrans» aksiyadorlik
jamiyati бошқарув раиси в.в.б.**

Ф.О.Тўраев

(имзо)

м/ў